Биография

Эргаш Умаров



Эргаш Аъзамович Умаров 1940 йил 20 январда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1948-58 йиллари Тошкент темир йўли қарамоғидаги 40-сон ўрта мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. 1958-63 йиллари Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олди. 1964-68 йилларда Москвадаги Тилшунослик институтининг Ленинград бўлимида профессор А.Шчербак раҳбарлигида аспирантура курсини ўтади. 1968 йили Ленинград давлат университетининг шарқшунослик факультети қошидаги илмий кенгашда “Алишер Навоийнинг “Хазойинул-маоний” асаридаги фразеологизмларнинг лексик-грамматик хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1989 йили ЎзР ФАнинг Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда “Бадоеъ ул-луғат” ва “Санглоҳ” – лексикографик ёдгорликлар ва XV-XVIII асрлар эски ўзбек тилини ўрганиш манбалари сифатида” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. У 1968-78 йилларда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида, 1978 йилдан умрининг охиригача Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ишлади.

Олим Ўрхун ёдгорликларини ўрганиш асосида улар умумтуркий ёдгорлик бўла олмаслигини исботларди. Олимнинг фикрича, барча туркий тиллар грамматикаларининг фонетика бўлими рус тили таъсирида ёзилган. Шу сабабли ҳар бир туркий халқ ўз тили фонетикасини қайта ёзиб чиқиши керак.

2005-2010 йилларда институт касаба қўмитаси раиси бўлди. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали таҳририяти аъзоси эди. Тошкент давлат шарқшунослик институтидаги магистрлик академик даражасини бериш бўйича илмий кенгашнинг ҳам доимий аъзоси бўлган.

Асарлари:

1971	Фразеологический словарь “Хазойинул маоний”
1992	Эски ўзбек луғатлари
1994	Словари староузбекского языка и вопросы фонетики
2004	Гласные староузбекского языка XV века и новая транслитерация Бадаил ал лугат
2005	Гласные староузбекского языка XV века и новая транслитерация Лугати турк
2006	Краткий словарь орхонских памятников
2007	Древнеуйгурская письменность
2011	Способы передачи качества гласных в “Диван лугат ит-турк”
2012	Проблемы транслитерации “Диван лугат ит-турк” Махмуда Кошгарского Пособие по письменности орхонских памятников
2013	Ўрхун алифбоси қандай тузилган?
2015	Ўрхун алифбоси муаммолари XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида яратилган мунозаралар
2016	XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида яратилган мунозаралар. Матн ва луғат.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.